

Герания Таълим ва Тадкикотлар Федерал вазирлиги

Герания Таълим ва Тадкикотлар Федерал вазирлиги (BMBWF) икки давлат олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари ва олимлари ҳамкорлигидаги илампий лойиҳаларга грант ажратиш қарор қабул қилиганини маълум қилинди.

Лойиҳаларни молиялаштириш танлов асосида бўлиб ўтади. Танловга қуйидаги йўналишлар бўйича лойиҳаларни тақдим этиш мумкин:

1. Шаҳарлар ва ҳудудларнинг барқарор ривожланиши (ақилли шаҳарлар) (smart cities), шаҳарлардаги транспортнинг интеграциялашган тизими кишлоқ жойлардаги бозорларни ривожлантириш;
2. Иқлим ва атроф-муҳит (ресурсларни асраш ва қайта тиклашда технологиялар, сув ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, чиқиндилар менежменти, ерни қайта ишлашда инновацион ечимлар);
3. Барқарор кишлоқ хужалиги (иктисодий, экологик ва ижтимоий мос агробизнес, логистика, кишлоқ хужалигини бошқариш);
4. Янги материаллар ва замонавий қурилиш технологиялари, шу жумладан маданий меросни сақлаш учун инновацион технологиялар (янги қурилиш материаллари сифатини ва хизмат муддатини ошириш, маданий меросни таҳлил этиш, химоя қилиш ва сақлашда технологиялар, материаллар ва инновацион ечимлар);
5. Хавсиз, тоза ва самарали энергия (энергия сарфини камайтириш, хавфсиз, барқарор ва рақобатбардош энергия тизимини таъминлаш технологиялари, қуёш энергияси, биоэнергетика);

Мазкур танловда иштирок этиш учун Германия Федерал Республикасида «лоиҳани амалга ошириш бўйича ҳамкор» билан келишилади ҳамда лойиҳа эскизи ҳамкорлар томонидан алоҳида-алоҳида тайёрланиб топширилади (фақат бир томондан тақдим этилган лойиҳалар танловдан четлаштирилади).

Дастлабки босқичда ҳамкорлар инглиз тилидаги лойиҳа эскизини “easy-online” электрон тизими орқали юборишлари лозим:

https://foerderportal.bund.de/easyonline/reflink/jsf?m=IB-GUS/RUS&b=WTZ_uzb&t=SKI

Лойиҳа бўйича қушимча маълумотларни <https://www.bmbf.de/en/index.html> веб хаволаси орқали олишингиз мумкин.

Муддат-2020 йил 1 октябрь